

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЭЛМИРЗАЕВ САМАРИДДИН ЭШКУВАТОВИЧ

**КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА СОЛИҚ
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Content of the Doctoral (Doctor of Science) Dissertation Abstract

Элмирзаев Самариддин Эшкuvatович Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш	3
Элмирзаев Самариддин Эшкuvatович Совершенствование налоговых отношений в управлении корпоративными финансами	31
Elmirzaev Samariddin Eshkuvatovich Development tax relations in corporate financial management	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	62

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЭЛМИРЗАЕВ САМАРИДДИН ЭШКУВАТОВИЧ

**КОРПОРАТИВ МОЛИЯНИ БОШҚАРИШДА СОЛИҚ
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2017.1.DSc/Iqt.38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.bfa.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Расмий оппонентлар:

Тошматов Шухрат Амонович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Альмардонов Муҳаммади Ибрагимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Пулатов Дилшод Ҳақбердиевич
иктисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Солиқ академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Н.М. Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодийётидаги интеграциялашув жараёнларининг кучайиб бориши кўп жиҳатдан корпоратив тузилмаларда юзага келадиган солиқ муносабатларига бевосита боғлиқ. Корпоратив молияни бошқаришда фаолиятни хорижий давлатларда ташкил этиш билан боғлиқ қарорлар айнан солиқ омилини ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади ва капитал ҳаракати солиқ юки даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда инвесторлар мамлакатларда солиқ муносабатларининг амалдаги ҳолатини Doing Business (Жаҳон банки), Paying Taxes (Прайсуотерхаускуперс компанияси ва Жаҳон банки гуруҳи) ҳисоботлари¹ асосида таҳлил қиладилар.

Ҳозирда жаҳонда корпоратив тузилмалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бунда корпоратив тузилмалар фаолиятини кенгайтириш мақсадида хорижий капитал жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган солиқлар орқали рақобатлашиш амалиёти кузатилмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги солиқ рақобатида ҳар бир давлат томонидан солиқ ставкаларини унификациялаш орқали солиқ юки даражасини кескин камайтириш, солиқ ҳисоботларини ихчамлаштириш, солиқ назоратини соддалаштириш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилиши талаб этилмоқда. Шунингдек, алоҳида солиқ режимлари ўрнатилган эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали корпоратив тузилмалар фаолиятини ривожлантириш масаласи ҳам алоҳида йўналиш сифатида кўзга ташланмоқда. Айнан келтирилаётган жиҳатлар асосида корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда бизнесни ривожлантириш ва корпоратив тузилмалар молиявий-ҳўжалик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ тизими шакллантирилди. Бунда солиқ юкини камайтириш мақсадида солиқ қонунчилигини такомиллаштириб бориш, солиқ тизимини соддалаштириш каби масалаларга устувор даражада эътибор қаратилди. Натижада солиқ юки 1992 йилдаги 49,3 фоиз ўрнига 2016 йилда 20,6 фоизни ташкил этди. Корхоналар томонидан 1992 йилда 45 фоизлик ставка бўйича фойда солиғи тўланган бўлса, 2017 йилга келиб 7,5 фоизлик ставка амал қилмоқда. Бугунда кунга келиб солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, солиқ ва мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш каби масалалар алоҳида долзарблик касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш»² масаласи алоҳида белгиланди. Унда белгиланган

¹ <http://www.doingbusiness.org>; <http://www.pwc.com/payingtaxes>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонидан.

вазифаларнинг ижроси корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини ташкил этишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 18 июлдаги 5116-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги 2454-сонли «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолияти, юзага келадиган солиқ муносабатларини ташкил этиш, солиқларларнинг йиғилувчанлик даражасини оширишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертацион тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «I – Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш масалалари жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот марказлари, университетлар, халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар, халқаро аудиторлик ташкилотлари, рейтинг агентликлари, молия институтлари, жумладан Жаҳон банки (World Bank), Халқаро молия корпорацияси (International Finance Corporation), Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлари маркази (Centre for Economics and Business Research), Прайсуотерхаускуперс (PricewaterhouseCoopers) компанияси, Европа фискал конфедерацияси (The Confédération Fiscale Européenne), Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги молия университети (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации), Санкт-Петербург давлат иқтисодиёт университети (Санкт-Петербургский государственный экономический университет) кабиларнинг доимий диққат-эътиборида эканлиги ҳам тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатиб беради.

Дунёда корпоратив молияни бошқариш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, корпоратив молияда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб

борилган: солиққа тортиш ва корпоратив молиявий сиёсат (University of California, АҚШ), корпоратив солиқларнинг инвестиция ва тадбиркорликка таъсири (World Bank, Harvard University, National Bureau of Economic Research), корпоратив солиққа тортиш ва капитал жалб қилиш (University of Oxford, Буюк Британия), корпоратив молиялаштириш ва солиққа тортиш (Sophia University, Waseda University, Chuo University, Япония), корпоратив молияга доир қарорлар қабул қилишга солиқларнинг таъсирини аниқлаш (Université Catholique de Louvain, Бельгия), солиқ маъмурчилигида солиқ маслаҳатининг ролини ошириш (American College of Tax Counsel, АҚШ) ва бошқалар.

Дунё миқёсида корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этишга оид қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: корпоратив молияни бошқаришда давлат билан молиявий муносабатларни самарали ўрнатиш, корпорацияларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш, корпоратив молиявий менежментнинг таркибий қисми сифатида корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш, корпоратив молиявий қарорлар қабул қилишда солиқларнинг таъсирини ҳисобга олиш, корпоратив миқёсда солиқларни режалаштириш орқали солиқ юкини камайтириш, солиқ рискларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш, солиқ маслаҳати институтини ривожлантириш орқали корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги солиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш, корпоратив тузилмаларда солиқларни оптималлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив молия, унда юзага келадиган молиявий муносабатлар, хусусан солиқ муносабатлари масалалари хорижий ва республикаимиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, улар қаторига ҳозирги замон олимларидан С.А.Росс, Р.В.Вестерфелд, Б.Д.Жордан³, Е.Ф.Бриггем, М.С.Эрхарт⁴, Д.Ҳиллиер, М.Гринблат, Ш.Титман⁵, Т.В.Теплова⁶, И.Я.Лукаевич⁷, П.Н.Брусов, Т.В.Филатова, Н.П.Орехова⁸, корпоратив молиявий муносабатларда солиқларни режалаштириш масалалари Е.С.Вылкова⁹, Е.Н.Евстигнеев¹⁰, солиқ рискларини бошқариш масалалари Т.А.Козенкова, А.В.Петров, А.Г.Поршнев, Д.Н.Тихонов, Л.Г.Липник, А.В.Подкапаев, Т.Элгоод, И.Пароиззиен, Л.Куэмбэларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган¹¹.

³Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfield, Bradford D. Jordan. Fundamentals of Corporate finance. – New York, 2010. – 708 p.

⁴Brigham E.F.,EhrhardtM.C. Financial management theory and practice. Thomson South-Western, 2008. –1107 p.

⁵Hillier D, Grinblatt M., Titman Sh. Financial Markets and Corporate Strategy. London: McGraw-Hill Higher Education, 2012. – 877 p.

⁶Теплова Т.В. Корпоративные финансы. Учебник. –М.: «Юрайт», 2013. – 655 с.

⁷Лукаевич И.Я. Финансовый менеджмент. – М.: «Эксмо», 2010. – 768 с.

⁸Брусов П.Н., Филатова Т.В., Орехова Н.П. Современные корпоративные финансы и инвестиции. Монография – М.: «Кнорус», 2014. – 520 с.

⁹Вылкова Е.С. Налоговое планирование. Учебник. – М.: «Юрайт», 2011. – 639 с.

¹⁰Евстигнеев Е.Н. Основы налогового планирования. – СПб.: «Питер», 2004. – 288 с.

¹¹Козенкова Т.А. Налоговое планирование на предприятии. – М.: «АиН», 1999. – 64 с.; Петров А.В. Налоговая экономия: реальные решения. – М.: Издательство «Бератор-паблишинг», 2007. – 680 с.; Под. ред.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан О.Абдурахмонов, М.И.Альмардонов, Т.С.Маликов, О.Олимжонов, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, Қ.Яхёев, Н.Ҳайдаровлар солиқ тизимини такомиллаштириш, уларнинг солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантиришдаги ролини фаоллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган¹². М.Хамидулин ўз илмий ишларида корпоратив бошқарув молиявий механизми, унда давлат бюджети билан муносабатларга алоҳида тўхталган¹³. Ш.Тошматов илмий ишларида эса, корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини ошириш муаммолари ўрганилган¹⁴. Б.Тошмуродованинг илмий ишларида солиқ менежменти ва уни корхоналарда ташкил этишнинг хусусиятлари тадқиқ этилган¹⁵. Б.Санақулова томонидан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ менежментини ташкил этиш масалалари очиб берилган¹⁶.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмийтадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодий модернизація қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши ҳамда «Молиявий менежмент» кафедрасининг «Корпоратив молиявий бошқарувнинг долзарб масалалари» стратегик илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини ташкил этиш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

корпоратив молиявий муносабатларнинг назарий ва ташкилий масалаларини илмий жиҳатдан асослаш;

корпоратив молиявий муносабатлар ва солиққа тортиш амалиётининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

корпоратив молияни бошқаришда солиқ менежментининг аҳамиятли жиҳатлари ва ташкилий хусусиятлари очиб бериш;

корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини ташкил этишнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш;

Поршнева А.Г. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003.– 442 с.; Тихонов Д.Н., Липник Л.Г. Налоговое планирование и оптимизация налоговых рисков. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2004. – 253 с.; Подкапаев А.В. Совершенствование корпоративного налогового менеджмента как способ достижения баланса интересов бизнеса и государства. Автореф. дисс....кан.экон.наук. – Москва, 2007. – 24 с.; Elgood T., Paoissien I, Quimby L. Tax risk management. – Pricewaterhousecoopers – 2002. – 64 p.

¹²Абдурахмонов О. Налоговые системы стран с переходной экономикой. – М.: «Палеотин», 2005. – 376 с.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002. – 204 б.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2003. – 247 б.; Ҳайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: «Академия», 2007. – 256 б.

¹³Хамидулин М. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дисс. ... док. экон. наук. – Ташкент, 2008. – 40 с.;

¹⁴Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 204 б.

¹⁵Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 44 б.

¹⁶Санақулова Б. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 87 б.

солиқ муносабатларини самарали ташкил этишда солиқ маслаҳати хизматининг роли ва амалдаги ҳолатини баҳолаш;

корпоратив тузилмаларда солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқ маслаҳатидан фойдаланишнинг илғор хориж тажрибаларини ўрганиш;

корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этишга доир, хусусан, солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқ маслаҳати ташкилотларининг иштирокини кенгайтиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корпоратив тузилмалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети корпоратив молияни бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, корреляцион-регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш, анкета сўровномаларини ўтказиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпоратив молияни бошқаришда солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий жиҳатлари сифатида солиқ қонунчилиги мониторингини ўтказиш, ички ва ташқи муҳитда кутилаётган ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш, солиқ мажбуриятлари ижросини режали тартибда назорат қилиш тартиби такомиллаштирилган;

солиқларни жорий режалаштириш самарадорлигини ошириш учун натижага йўналтирилган рағбатлантириш механизми ҳамда самарадорликни баҳоловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган;

корпоратив молияда юзага келиши мумкин бўлган солиқ рискларининг таъсир даражасини камайтириш мақсадида солиқ рискларини аниқлаш, баҳолаш ва уларга таъсир этиш ҳамда ички солиқ назоратини ўтказиш тартиби узвийликка асосланган ҳолда ишлаб чиқилган;

солиқ маслаҳатчиларига қўйилган талаблар илғор хориж тажрибалар ва республикадаги ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилган, профессионал солиқ маслаҳатига ўтиш учун солиқ маслаҳатчилари компетентлиги асосида солиқ маслаҳати хизмати кўрсатиш тоифаланган;

солиқ маслаҳати институтининг фаолият доирасини кенгайтириш мақсадида қонунчиликка қўшимчалар киритиш орқали янги хизматлар турларининг жорий этилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корпоратив молияни бошқаришда корпоратив тузилмаларда юзага келадиган ҳар бир молиявий муносабатнинг солиқ оқибатлари аниқланган;

солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий жиҳатлари ҳамда самарадорликни баҳолашда эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳамда баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

солиқ хатоликлари ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ёки бартараф этиш мақсадида солиқ рискларини бошқариш ва унда ички солиқ назоратини ўтказиш тартиби аниқ кетма-кетлик асосида белгилаб берилган;

солиқ маслаҳатчилари фаолияти Солиқ кодекси билан ҳам тартибга солиниши лозимлиги, малака сертификатини олиш учун фақатгина мажбурий имтиҳоннинг етарлилиги, солиқ маслаҳати институтининг хизматлар доирасини кенгайтириш ва жавобгарлигини ошириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги таниқли иқтисодчи олимларнинг корпоратив молияни бошқариш ва унда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, акциядорлик жамиятлари маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан корпоратив молияни бошқариш тизимида солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш, умуман корпоратив молиявий муносабатларга доир махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлик даражасини оширишга, шунингдек солиқ мажбуриятларининг белгиланган тартибда бажарилиши орқали давлат бюджети даромадларининг ўз вақтида ва тўлиқ шаклланишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини ташкил этиш услубиётини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий хусусиятлари «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида қўлланилган (2017 йил 29 сентябрдаги ШТ-17 сонли далолатнома). Натижада ҳар бир чорак якуни бўйича фаолият билан боғлиқ солиқ қонунчилигини мониторингдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган ҳамда ҳар бир чорак бўйича солиқ ва молиявий ҳисоботларни тузишда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларнинг инобатга олиниши таъминланган;

солиқларни режалаштиришда натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини қўллаш бўйича таклиф «Тошкент дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида амалиётга жорий этилган (2017 йил 5 сентябрдаги 5/952-сонли далолатнома). Натижада солиқ масалалари бўйича масъуллар томонидан солиқ имтиёзларидан тўлиқ фойдаланиш, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажариш, солиқ рисклари юзага келишининг олдини олиш натижасида фойданинг 0,027 фоизга ўсишига эришилган;

ишлаб чиқилган ички солиқ назоратини ўтказиш методологияси «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятида қўлланилган (2017 йил 29 сентябрдаги ШТ-17 сонли далолатнома). Бунинг натижасида 2017 йил ўтган даври учун фойда солиғи бўйича 17,38 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғи бўйича 23,27 миллион сўм, ер қаъридан фойдаланганлик учун 35,86 миллион сўм, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича 10,51 миллион сўм, бошқа солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича 14,87 миллион сўм, жами 101,89 миллион сўм бюджетга қўшимча тўловлар ўтказилиши лозимлиги аниқланиб, тўловлар амалга оширилди ҳамда бюджетга тўловларнинг кечиктирилиши туфайли қўлланилиши мумкин бўлган молиявий жарималарнинг олди олинган;

давлат солиқ органларида камида 5 йил давомида ишлаган ходимлар учун солиқ маслаҳатчиси сертификатини сертификатини олишларига вақт омили салбий таъсир кўрсатаётганлиги сабабли солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун белгиланган шартлар таркибидан ўқув курсларини ўташ мажбуриятини олиб ташлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (2017 йил 6 ноябрдаги КА/04-01-35-11/1481 сонли маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши солиқ маслаҳати институтлари ортиб боришига хизмат қилади;

мамлакатимизда профессионал солиқ маслаҳати хизматини жорий этиш учун солиқ маслаҳатчилари компетентлигига асосида солиқ маслаҳати хизмати кўрсатиш фаолият доираси кенгайиб бориш тартибидан жисмоний шахслар; кичик бизнес субъектлари; йирик реал сектор корхоналари; молия бозори институтлари; суд ишлари бўйича тоифаланиши бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (2017 йил 6 ноябрдаги КА/04-01-35-11/1481 сонли маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи солиқ маслаҳати хизматининг сифат жиҳатдан такомиллашувини таъминлайди;

солиқ маслаҳати ташкилотига солиқ ҳисоботларини тузиш билан бирга солиқ органларига тақдим этиш ваколатини ҳам бериш ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 45-моддаси 1-бандини «Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ёки ишончнома асосида солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг солиқ маслаҳатчиси томонидан ушбу Кодексада белгиланган муддатларда тақдим этилади. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг солиқ маслаҳатчиси томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳисобланади» мазмунида баён этиш: бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (2017 йил 6 ноябрдаги КА/04-01-35-11/1481 сонли маълумотнома). Бу таклифнинг амалиётга жорий этилиши солиқ маслаҳати ташкилотларининг фаолият доираси кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан «Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» (Тошкент, 2014),

«Саноат корхоналари ва ташкилотларини бошқарувида иқтисодий хавфсизликни ташкил этиш ҳамда таъминлаш муаммолари» (Тошкент, 2015), «Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари» (Тошкент, 2016) республика илмий-амалий конференцияларида, «Ўзбекистонда молиявий секторнинг ролини ошириш ва унда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш» (Тошкент, 2015), The 9th Conference of Culture and Accounting Association (Tashkent, 2015), «Иқтисодиётда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш ва инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2016), «Актуальные вопросы экономических наук» (Новосибирск, 2017), «Корпоратив бошқарув: жорий ҳолат, муаммолар, тенденциялар ва ривожланиш истиқболлари» (Тошкент, 2017) мавзуларидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда илмий маърузалар сифатида баён қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган илмий-назарий хулосалар ва таклифлардан «Корпоратив молия», «Молиявий менежмент» ва «Корпоратив солиқ менежменти» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ҳамда ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шундан 2 та электрон дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 3 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан 12 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 8 та маъруза тезислари нашр қилинган, шунингдек 2 та дастурий маҳсулот бўйича патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 242 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корпоратив молиявий муносабатларнинг назарий ва ташкилий асослари**» деб номланган биринчи бобида корпоратив молиянинг иқтисодий моҳияти, унда юзага келадиган молиявий муносабатлар, корпоратив молияни бошқаришнинг ташкилий хусусиятлари ва концепциялари, корпоратив молиявий муносабатлар ва солиққа тортиш амалиётининг ўзаро боғлиқлиги тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар ифодаланган.

Корпоратив молиянинг иқтисодий моҳиятини асослашга қаратилган турли ёндашувлар мавжуд. Бу борада тадқиқотлар олиб борган инглиз иқтисодчи олимларидан Ричард А.Брейли ва бошқалар «Корпоратив молия бу барчаси бозор қийматини максималлаштириш ҳақидадир»¹⁷, дея ёндашади. Француз иқтисодчи олимларидан Пиер Верниммен ва бошқалар эса «Корпоратив молия нафақат назарий дарслик, балки амалий қўлланма ҳамдир»¹⁸, дея фикр билдиришади. Шунингдек, Стефен А.Росс ва бошқалар эса корпоратив молия амалиётига «Корпоратив молия умумий ҳолда «Узоқ муддатли инвестицияларни қандай жалб қилиш керак?», «Узоқ муддатли молиялаштиришни қаердан олмоқчисиз: қўшимча таъсисчи жалб қиласизми ёки қарз оласизми?», «Кундалик молиявий фаолият бўйича харидорлардан тушумлар ва мол етказиб берувчиларга харажатларни қандай тартибда бошқарасиз?» каби учта саволга жавоб топиш»¹⁹ сифатида қарайди. Юқоридаги изоҳларда асосан фаолиятини давом эттираётган корпоратив тузилмалардаги молиявий муносабатлар нуқтаи назаридан тор доирада ёндашилган. Бизнинг фикримизча, корпоратив молия – юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз мулкларини ихтиёрий равишда бирлаштириш орқали тижорат ташкилотини ташкил этиш ва тижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ молиявий муносабатларни англатади.

Молия тизимининг айнан шу соҳасида иқтисодиётнинг турли тармоқларига тақсимланадиган даромадларнинг асосий қисми шаклланади ва бу даромадлар иқтисодий тараққиётнинг ҳамда жамият раванқининг асосий молиявий манбаси сифатида хизмат қилади. Корпоратив тузилмалар


¹⁷Richard A. Brealey, Stewart C. Myers, Franklin Allen. Fundamentals of Corporate Finance. Seventh Global Edition.– McGraw-Hill Education, 2014. – p.51.

¹⁸Pierre Vernimmen, Pascal Quiry, Maurizio Dallocchio, Yann Le Fur, Antonio Salvi. Corporate finance: theory and practice. Fourth edition. – Wiley, 2014. – p.10.

¹⁹Stephen A. Ross, Randolph W. Westerfeld, Bradford D. Jordan. Fundamentals of Corporate Finance. – McGraw-Hill/Irwin, 2013. – p. 49.

даромадлари ўзини ўзи молиялаштириш учун, ишчи-ходимлар ва давлат олдидаги мажбуриятлари ҳамда бошқа йўналишларга тақсимланади. Бундан корпоратив молияни самарали ташкил этиш жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун доимий эътибор талаб қилишини кўриш мумкин. Корпоратив молия бугунги кунга келиб, халқаро молия тизимининг асоси сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Айнан шундай ҳолатда мамлакатимизда корпоратив молияни самарали ташкил этиш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини юксалтириш билан бирга, халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнининг юксалишига имкон беради. Чунки ташқи савдо муносабатларида айнан давлатлар билан бир қаторда корпоратив тузилмалар ҳам фаол иштирок этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив тузилмаларнинг молиявий муносабатларини қуйидаги тўртта гуруҳ бўйича таснифладик (1-расм):



1-расм. Корпоратив тузилмалар молиявий муносабатлари таснифи²⁰

²⁰Муаллиф томонидан тузилди.

1-расмда келтирилган корпоратив молиявий муносабатларнинг юзага келиши бевосита ёки билвосита солиқ муносабатларига юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари давлатнинг корпоратив тузилмалар билан молиявий муносабатлари бевосита давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятни тартибга солишдан тортиб истеъмолчи сифатида давлат харидини амалга ошириш ҳамда давлат қимматли қоғозларини корпоратив тузилмалар ўртасида жойлаштириш каби ҳолатларгача намоён бўлишини кўрамыз.

Корпоратив молияни бошқариш назарияси ва амалиёти иқтисодий тараққиётдан келиб чиққан ҳолда доимий равишда ривожланиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб корпоратив молияни бошқаришнинг муҳим назарий асослари пул оқимлари концепцияси, пул маблағларининг вақт бўйича қиймати концепцияси, риск ва даромадлилик концепцияси, бозор самарадорлиги ҳақида гипотеза, портфель назарияси ва молиявий активларни баҳолаш модели, капитал таркиби ва дивиденд сиёсати назарияси, агентлик муносабатлари назариялари ва бошқалар ҳисобланади. Ўзбекистонда бу масалаларга эътибор қаратилмаган ва уни ривожлантириш зарур ҳамда давр талабидир.

Диссертациянинг **«Корпоратив молияни бошқаришда солиқ менежментининг аҳамиятли жиҳатлари ва ташкилий хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобида солиқ муносабатларини ташкил этишда солиқ менежментининг иқтисодий моҳияти, вазибалари ва таснифланиши, корпоратив молияни бошқаришда солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлашнинг ташкилий хусусиятлари бу борадаги объектив зарурат, муаммоли жиҳатлар илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Маълумки, давлат солиқлар орқали иқтисодий жараёнларин тартибга солишдан ташқари ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган молиявий ресурсларга ҳам эга бўлади. Солиқларни жорий этиш, солиқ прогнози орқали давлат бюджети параметрларини тузиш, солиқ йиғилувчанлик даражасини ошириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш давлат солиқ менежментининг асосини ташкил этади. Шунингдек, корпоратив тузилмалар томонидан солиққа тортиш тартибларини танлаш, имтиёз ва преференцияларга мослашиш, шартномаларнинг солиқ оқибатларига таъсирини баҳолаш орқали корпоратив солиқ менежментининг амал қилиши таъминланади.

Солиқ менежменти давлат ва корпоратив тузилмалар миқёсида ҳам ўхшаш, ҳам бир-бирига қарама-қарши тушунчалар сифатида намоён бўлади. Яъни, давлат томонидан солиқларни бошқариш солиқ тизимини тартибга солиш ҳамда солиқларни белгиланган муддатларда ва тўлиқ тегишли бюджетларга тушишини таъминлашга қаратилса, солиқ тўловчилар бунга қарама-қарши равишда солиқ мажбуриятларини бошқариш орқали солиқларни имкон қадар кечроқ ҳамда камроқ тўлашга интиладилар. Бу ҳолатга бозор иқтисодиёти қонунияти сифатида ёндашишимиз лозим. Яъни «Давлат солиқ менежменти давлат манфаатларини кўзлайди, корпоратив

солиқ менежменти эса конкрет ташкилот, конкрет жамоа манфаатларидан келиб чиқади»²¹.

Ҳуқуқий жиҳатдан солиқларнинг амал қилиши давлат томонидан тартибга солиб борилганлиги туфайли корпоратив тузилмалар учун ўрнатилган солиқ юки кўп ҳолатларда манфаатлар уйғунлигига мос тушмайди. Чунки корпоратив тузилмалар солиқ тўловчилар сифатида давлат томонидан ўрнатилган солиқ қонунчилиги доирасида ўзларининг солиқ мажбуриятларини бошқариб боради. Умуман, давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежментининг ташкилий хусусиятларини келтириб ўтамиз (2-расм):



2-расм. Давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежменти ташкилий хусусиятлари²²

Амалиётда солиқлар иқтисодий тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида кўринади. Айнан шундай шароитда корпоратив тузилмаларда молиявий қарорлар ҳеч қачон солиқларни ҳисобга олмасдан қабул қилинмаслиги лозим. Корхонада доимий равишда асосий функцияси мазкур корхона фаолиятини солиқ нуқтаи назаридан кузатиш ва таҳлил қилиш бўлган ички ва ташқи мутахассислар бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар солиқлар корпоратив тузилма молиявий стратегиясида эътиборга олинмаса, кимдир уларни ўз вақтида ва тўғри ҳисоблаши, шунингдек уларни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиши керак. Солиқ тўловчиларда «солиқларни тўламаслик мумкин эмас экан, унда мумкин қадар камроқ тўлаш керак» деган ёндашувни шакллантириш ўз солиқ мажбуриятларини таъқиқланмаган қонуний усуллар ёрдамида камайтириш

²¹Под. ред. А.Г.Поршнева. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003. – С. 26.

²²Муаллиф томонидан тузилган.

бозор иқтисодиёти талаби бўлиб, бу уларнинг ҳуқуқи сифатида асосланишига хизмат қилади.

Корпоратив молияни бошқаришнинг таркибий қисми сифатида корпоратив солиқ менежментида солиқ мажбуриятларини бошқариш, солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, ички солиқ назоратини ташкил этиш, солиқларни қонун доирасида камайтириш бўйича схемалар ишлаб чиқишқа биларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида солиқларни режалаштиришнинг корпоратив молияни бошқариш жараёнидаги амал қилиш механизми, корпоратив тузилмаларда солиқ рискларини бошқариш методологияси, корпоратив молияни бошқаришда ички солиқ назоратини ташкил этиш ва унда эътибор қаратиладиган жиҳатлар илмий тадқиқ қилинган ҳолда асосланган.

Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этишнинг энг асосий йўналишларидан бири солиқларни режалаштиришдир. Солиқларни режалаштириш ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш ва фаолиятни қайси ҳудудда ташкил этиш бўйича қарор қабул қилишдан тортиб, солиқ мажбуриятларининг ижросини белгиланган тартибда таъминлашга қадар барча жараёнларни қамраб олади. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйида солиқларни режалаштиришнинг мазмун-моҳияти, корпоратив молияни бошқариш тизимидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтаемиз.

Фикримизча, солиқларни режалаштириш – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларида фойдаланган ҳолда солиқлар ва мажбурий ажратмаларни камайтириш ҳамда солиқ мажбуриятларини белгиланган тартибда бажариш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни режалаштиришга бўлган заруратни Т.С.Маликовнинг «хар бир солиқ тўловчи неча сўм, қачон ва нима учун солиқ тўлаши лозимлигини билмоғи керак»²³, деган фикри ўзида тўлиқ ифодалай олади.

Солиқларни режалаштириш амалиётини стратегик, жорий ва оператив режалаштириш босқичлари асосида ташкил этилгандагина самарали бўлишини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Фаолиятини давом эттириб келаётган корпоратив тузилмаларда фаолиятни диверсификациялаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ ҳолатларда солиқларни қисман стратегик режалаштириш амал қилиши асносида асосан жорий режалаштиришга устувор даражада эътибор қаратилиши лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Бунда бизнингча, асосий жиҳатлар сифатида умумий ва хусусий тартибда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим. Ўз навбатида солиқларни режалаштиришнинг амал қилишида унинг самарадорлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки бу амалиёт корпоратив тузилмадан маълум миқдордаги харажатларни талаб қилиши маълум. Шу боисдан қуйида солиқларни жорий

²³Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. – Т.: “Академнашр”, 2011. – Б. 195.

режалаштиришда эътибор қаратиладиган ташкилий жиҳатлар ва унинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини келтириб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Солиқларни жорий режалаштиришнинг ташкилий жиҳатлари ва самарадорлигини баҳолаш мезонлари²⁴

№	Ташкилий жиҳатлар	Эътибор қаратиладиган масалалар
1.	Умумий тартибда ташкилий жиҳатлар	Ҳисобот даври асосида солиқ қонунчилиги мониторинги Бошқа фаолият турларини ва операцияларни кузатиб бориш Кутилаётган ички ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш Ташқи муҳитда кутилаётган ўзгаришлар асосида солиқларни режалаштириш
2.	Хусусий тартибда ташкилий жиҳатлар	Ҳар бир солиқ тури бўйича солиқ базаларини таҳлил қилиб бориш Солиқ қонунчилиги асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш Алоҳида тартибда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва юритиш Солиқ мажбуриятлари ижросини режали тартибда назорат қилиб бориш
3.	Самарали тузилмалар яратиш ва улар иш фаоллигини ошириш	Тезкор ва аниқ ахборотлар билан таъминлаш Аниқ таҳлил қилиш имконини берувчи дастурий воситалар билан таъминлаш Солиқ органлари билан доимий алоқани таъминловчи ишчи муҳит яратиш Натижага йўналтирилган рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш
4.	Баҳолаш мезонларини белгилаш	Солиқларни режалаштириш орқали тежалган маблағлар миқдорини аниқлаш Солиқ рисклари юзага келиши натижасидаги зарарларни баҳолаш Солиқларни режалаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни белгилаш Солиқларни режалаштириш натижасида олинган қўшимча фойда ёки қўшимча харажат натижасидаги зарар

Солиқларни режалаштиришнинг самарадорлигини баҳолашда йўлга қўйилган амалиёт натижасида биринчи навбатда эришилган ижобий натижага эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса солиқ мажбуриятларини камайтириш ёки кечиктириш билан эришилган натижадан солиқ рисклари юзага келиши натижасидаги йўқотишлар ва солиқларни режалаштиришнинг ташкилий харажатларини чегириш орқали натижани аниқлаш талаб этилади.

Корпоратив солиқларни режалаштиришнинг амал қилиши иккинчи томондан мантиқан давлат бюджети даромадларининг камайишига ҳам сабаб бўлади. Шу боисдан корпоратив миқёсда солиқларни режалаштиришни чегаралаш мақсадида давлат томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар кўрилишини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бу борада Б.Тошмуродова таъкидлашча, «Кўпчилик давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек солиқларни режалаштиришни қўллаш соҳасини жиддий равишда чегаралаш имконини берадиган махсус усуллар шакллланган»²⁵.

²⁴Муаллиф томонидан тузилган.

²⁵Тошмуродова Б. Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2007. – Б. 71.

Корпоратив тузилмаларда солиқларни режалаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинганда қуйидаги иккита ҳолатга гувоҳ бўлдик:

Биринчидан, давлат иштирокидаги корпоратив тузилмалар солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаришга интилади, уларда солиқларни режалаштириш орқали мажбуриятларни камайтиришга жиддий эътибор қаратилмайди. Бундай ҳолатга «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Ўздонмахсулот», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбек кўмир», «Ўзқурилишматериаллари», «Тошкент дон маҳсулотлари», «Дунё-М», «Дон халқ ризқи», «Дўстлик дон маҳсулотлари», «Эйвалекмахсистемирбетон» акциядорлик жамиятлари фаолияти ўрганилганда яққол гувоҳ бўлдик. «Олмалиқ КМК» АЖ молиявий кўрсаткичлари ва макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши буни кўрсатиб турибди (2-жадвал).

2-жадвал

«Олмалиқ КМК» АЖ молиявий кўрсаткичлари ва уларнинг макроиктисодий кўрсаткичлардаги улуши таҳлили²⁶

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	Фарқ
Ялпи ички маҳсулот ҳажми	млрд. сўм	171 369	199 325,1	27 956,1
Давлат бюджети даромадлари ижроси	млрд. сўм	36 493,3	41 043,4	4 550,1
АЖ маҳсулот сотишдан соф тушуми	млрд. сўм	2 479,73	2 979,51	499,78
АЖ тўлаган жами солиқлар ва мажбурий ажратмалар	млрд. сўм	994,23	1 202,44	208,21
АЖ тўлаган соф солиқлар	млрд. сўм	721,75	894,24	172,49
АЖ маҳсулот сотишдан соф тушумининг ЯИМдаги улуши	фоизда	1,45	1,49	0,04
АЖ тўлаган жами солиқлар ва мажбурий ажратмалар ҳажмининг ЯИМдаги улуши	фоизда	0,58	0,60	0,02
АЖ тўлаган соф солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги улуши	фоизда	1,98	2,18	0,20

Иккинчидан, хусусий корпоратив тузилмалар, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик жамиятларида солиқларни режалаштириш биринчи навбатда солиқ мажбуриятларини минималлаштириш, тўловларни оптималлаштиришга қаратилганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолатга «Хоразм шакар» қўшма корхонаси, «Deutsche Kabel AG Taschkent» қўшма корхонаси, «Wide tent system» хорижий корхонаси каби акциядорлик жамиятларида гувоҳ бўлдик.

Шунингдек, «Тошкент дон маҳсулотлари» АЖ бюджетга тўловлари таҳлилидан ҳам солиқларни режалаштириш амалиёти деярли амалга оширилмаслигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

²⁶ Давлат статистика қўмитаси ҳамда «Олмалиқ КМК» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

3-жадвал

«Тошкент дон маҳсулотлари» АЖда бюджетга тўловлар ва солиқ юки таҳлили, фоизда²⁷

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Юридик шахслар фойда солиғи	2,13	1,71	1,30	1,78	0,92	0,87
Жисмоний шахслар даромад солиғи	2,90	3,39	3,87	2,94	3,89	3,23
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	0,88	0,39	0,19	0,44	0,44	0,42
Кўшилган қиймат солиғи	72,73	70,39	68,20	71,25	68,84	52,83
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,07	0,08	0,08	0,08	0,08	0,17
Юридик шахслар мол-мулк солиғи	1,69	1,74	1,62	1,73	1,63	3,44
Юридик шахслар ер солиғи	2,31	2,69	3,07	2,92	3,38	5,66
Бошқа солиқлар	0,00	0,00	0,00	0,29	0,00	0,00
Республика йўл фондига мажбурий ажратма	4,62	4,71	4,91	4,88	5,01	7,13
Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	5,26	6,61	7,43	4,84	5,74	8,00
Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасига ажратма	1,64	1,67	1,76	1,74	1,79	2,55
Ягона ижтимоий тўлов	5,78	6,63	7,56	7,11	8,15	15,70
Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазо	0,00	0,00	0,00	0,00	0,12	0,00
Бюджетга жами тўловлар	100	100	100	100	100	100
Солиқ юки:						
a) соф тушумга нисбатан	21,91	24,23	20,77	20,31	20,95	15,84
b) ялпи фойдага нисбатан	86,12	93,16	92,67	88,98	90,81	81,86
c) солиқ тўлагунга қадар фойдага нисбатан	766,03	1624,3	2534,9	1381,0	2459,9	1736,6
d) соф фойдага нисбатан	993,85	2240,0	4528,3	1990,8	3458,2	2241,5

Корхонанинг 2011-2016 йиллар молиявий ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиб эконометрик таҳлил ўтказилди. 2011-2016 йилларда корхона жами 12 та турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаган бўлиб, шулардан бюджетга жами тушумда энг катта улушга эга бўлган 9 хил солиқ турини корхонанинг соф фойдасига таъсири баҳоланди. Соф фойда ва солиқлар ўртасидаги функционал боғлиқлик қуйидагича ифодаланди:

$$NPT = f(INT, LDT, MDC, NPR, PPT, PRT, RFF, SSP, VAT)$$

Бу ерда INT – Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, LDT – юридик шахслар ер солиғи, MDC – пенсия фондига ажратма, NPR – жисмоний шахслар даромад солиғи, PPT – мол-мулк солиғи, PRT – юридик шахслар фойда солиғи, RFF – Республика йўл жамғармасига ажратма, SSP – ягона ижтимоий тўлов, VAT – қўшилган қиймат солиғи.

EViews 9.0. дастуридан фойдаланиб, дастлабки таҳлил учун тасвирий (дескриптив) статистикани ўтказдик (4-жадвал) ва бирламчи натижага эга бўлдик.

²⁷ «Тошкент дон маҳсулотлари» АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

4-жадвал

«Тошкент дон маҳсулотлари» АЖда бюджетга тўловлар тасвирий статистикаси

Категория	INT	LDT	MDC	NPR	PPT	PRT	RFF	SSP	VAT
Ўрта арифметик	102896.5	583061.5	1179794.	1390959.	398149.8	312857.9	1021330.	1439857.	14508542
Ўртача	106787.0	477048.0	1086274.	1602115.	367958.0	317552.0	953550.0	1194889.	14490825
Максимум	181217.0	1176378.	1661389.	2078654.	715329.0	440975.0	1480917.	3261611.	18025171
Минимум	40800.00	365897.0	844568.0	469194.0	304913.0	181556.0	791125.0	818654.0	10977084
Стандарт оғиш	33333.17	258890.4	303828.8	553618.3	111544.5	89396.26	219812.1	685940.5	1987277.
Ассимметрия коэффициенти	0.652872	1.208323	0.409027	-0.269878	2.295228	-0.079320	0.966246	1.795321	0.209033
Куртозис	4.702462	3.439611	1.612157	1.705693	7.279069	1.951353	2.739871	5.631216	2.816425
Харьке-Бера	2.109865	2.765323	1.189521	0.901342	18.05041	0.515545	1.742672	9.082338	0.095553
Эхтимоллик	0.148216	0.150910	0.051695	0.137200	0.000120	0.072771	0.118392	0.010661	0.953347
Йиғинди	1131861.	6413676.	12977737	15300550	4379648.	3441437.	11234630	15838423	1.60E+08
Квадратик оғишлар йиғиндиси	1.11E+10	6.70E+11	9.23E+11	3.06E+12	1.24E+11	7.99E+10	4.83E+11	4.71E+12	3.95E+13
Кузатишлар сони	16	16	16	16	16	16	16	16	16

Сўнг энг кичик квадратлар усулида регрессия тенгламасини тузиб, EViews 9.0. дастури ёрдамида регрессион тестни ўтказдик (5-жадвал).

5-жадвал

«Тошкент дон маҳсулотлари» АЖда регрессион таҳлил натижалари

Ўзгарувчи	Коэффициент	Стандарт хатолик	t-статистика	Эхтимоллик
C	942499.4	11873848	0.079376	0.1440
VAT	-0.178445	0.198773	-0.897730	0.0641
PPT	-0.974947	9.531696	-0.102285	0.0927
PRT	-4.730772	5.011643	-0.943956	0.0848
RFF	-0.161585	16.17367	-0.009991	0.2929
SSP	2.604984	1.502864	1.733346	0.1252
MDC	-0.744720	3.449092	-0.215918	0.0891
LDT	-7.201017	22.44464	-0.320835	0.1788
INT	11.84885	4.062440	2.916684	0.1002
Қолдиклар квадрати	0.971307	Эрксиз ўзгарувчан ўртача. арифм.		1390959.
Ўзгарган қолдиклар квадрати	0.856534	Эрксиз ўзгарувчан стандарт оғишиш		553618.3
Регрессион стандарт хатолик	209693.2	Акаике мезони		27.27629
Қолд. квадр. йиғиндиси	8.79E+10	Шварц мезони		27.60184
Логарифмик ҳақиқатга яқинлик	-141.0196	Ханнан-Квин мезони		27.07108
F-статистика	5.462890	Дарбин-Уотсон мезони		2.063026
Эхтимоллик (F-стат.)	0.109927			

Энг кичик квадратлар усулига таянган регрессион таҳлил натижаси ер солиғи, йўл фондига ажратманинг корхона соф фойдасига таъсири аҳамиятсиз эканини кўрсатмоқда. Фойда солиғи энг катта салбий таъсирга эга омил бўлиб, унинг 1 фоизга ошиши корхона даромадининг 4,73 фоизга

камайишига сабаб бўлиши, мол-мулк солиғининг 1 фоизга ошиши соф фойданинг 0,97 фоизга камайишига, ҚҚСнинг 1 фоизга ошиши соф даромаднинг 0,17 фоизга камайишига, пенсия фондига мажбурий ажратманинг 1 фоизга ўсиши корхона соф фойдасининг 0,74 фоизга камайишига сабаб бўлади. Дарбин-Уотсон тести натижаси эса автокорреляция мавжуд эмаслигига, F-статистика эса ноль гипотезани рад этиб, эрксиз ва эркли ўзгарувчилар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда.

Солиқларни режалаштириш ёки бошқа солиқ схемаларини амалиётда қўллаш солиқ рисклари юзага келиши натижасида молиявий йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин. Бу бўйича солиқларни режалаштириш масалаларини ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган ноаниқликларни мавжуд солиққа тортиш моделини оптималлаштириш мақсадида қўллаш учун ишлаб чиқилган солиқ схемаларидан баъзиларининг долзарблик касб этиши молиявий рисклар камайишига хизмат қилади.

Солиқ рисклари солиқ тўловчи молиявий ҳолатига шу билан бирга давлатга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда солиқ юки даражаси ва солиқ қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ молиявий йўқотишларнинг ўсиши солиқ тўловчилар молиявий ресурслари ва мулкый имкониятларининг, шунингдек бюджет даромадлари ташкил топиш манбалари сифатида солиқ тушумларининг пасайишига ҳам сабаб бўлади.

